БОШЛАНҒИЧ МАКТАБ ВА ЎСМИР ЁШДАГИ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИДА УЗЛУКСИЗЛИК ҚОИДАСИ ҲАМДА ПЕДАГОГИК ПОЗИЦИЯ

Т.Ҳасанов, М.Б.Артикова, М.Қурбонова

Мақолада таълим-тарбиядаги узлуксизлик, узвийлик ҳамда педагогик позиция ва педагогик мулоқот ҳақида фикр юритилган, уларнинг бошланғич мактаб ҳамда ўсмир ёшдаги ўқувчилар фаолиятида тутган ўрни таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *бошланғич мактаб, ўсмир, узлуксизлик, узвийлик, педагогик позиция, педагогик мулоқот, педагогик қараш.*

В статье рассматриваются вопросы преемственности и непрерывности обучения и воспитания, понятия педагогическая позиция и педагогическое общение, проанадизирована их роль в деятельности учащихся начальной школы и подросткового возраста.

Ключевые слова: *начальная школа, подросток, непрерывность, преемственность, педагогическая позиция, педагогическое отношение, педагогический взгляд.*

The articlediscusses the role of continuity of education, pedagogic position and communication in the process of upbringing the younger generation at the early stages of the educational process.

Key words: *primary school, teenager, didactic providing,continuity, education, up-bringing, individual, pedagogical position, pedagogical conversation, pedagogical view.*

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” бозор ижтимоий-иқтисодий муносабатларини режали жорий этиш ва ривожлантириш талабларидан келиб чиқиб замон талабига мос баркамол авлод тарбиясининг миллий моделини ишлаб чиқди, истиқболли кўринишда уни шакллантиришнинг қоидалари, усул ва технологияларини белгилаб берди. Бозор ижтимоий-иқтисодий муносабатлари ўз моҳияти, мазмуни ва вазифаларига кўра фуқароларнинг шахсий ташаббуслари, фаолликлари, ижодий, мустақил, танқидий тафаккурларини шакллантиришни тақозо этади.

Мустақиллик йилларида узлуксиз таълимда, хусусан, мактабгача таълим тизимида тизимлилик ва узвийликни таъминлаш, бошланғич мактаб ва ўсмирлик ёшидаги ўқувчилар узлуксиз таълимини ривожлантириш борасида назарий ва амалий-услубий чора-тадбирлар ишлаб чиқилдики, бу, биринчидан, мамлакатимизда ишлаб чиқилган, амалиётда яхши натижалар берган, ўзбек халқ педагогикаси манбаларидан фойдаланилган педагогик тажрибалар бўлса, иккинчидан, ривожланган мамлакатлар бошланғич мактаб, ўсмирлик ёшдаги ўқувчиларни ўтиш давридан **узлуксизлик** қоидасига риоя қилиб, таълимни самарали давом эттириш тажрибасига асосланган, учинчидан эса ҳар иккала педагогик вазиятдаги ижтимоий-иқтисодий педагогик буюртма асослари таҳлил этилган. Таълимнинг узлуксизлик қоидасига риоя қилинишининг миллий модели ишлаб чиқилди ва бу модел ўзининг мустаҳкам ижтимоий, иқтисодий, маърифий-маданий, ахлоқий асосларига эга бўлиб, фақатгина мавжуд Ўзбекистон борлиғини акс эттирибгина қолмай, айни вақтда бозор ижтимоий-иқтисодий муносабатларининг бошланғич ривожланиш босқичлари талабларини ҳам ўзида намоён этади.

Ривожланган мамлакатларнинг педагогик назариясини ўрганиш, мактаб амалиётини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, улар биринчидан, таълим-тарбия жараёнларини уюштиришда ўқувчиларнинг субъектив фаоллигига асосланадилар. Фикримизча, бу тўғри ёндашув. Индивид туғилганда биогенетик имкониятлар билан дунёга келади, яъни ҳар бир болада бизга тегишли бўлмаган ҳолда маълум лаёқат, қобилият, талантнинг даражаси бор. Уларни ривожлантириш, келажакда улардан манфаатдор бўлишлик индивиднинг ўзига тегишли. Таълим-тарбия жараёнида лаёқат, қобилият, талантни ўстиришдан, авваламбор, ўқувчининг ўзи манфаатдор. Ўқитувчилар эса, таълим-тарбия жараёнини уюштирувчилари ва

М.Б.Артикова *- АДУ педагогика кафедраси мудири, педагогика фанлари номзоди, доцент;*
Т.Ҳасанов *– шу кафедра профессори, педагогика фанлари доктори;*
М.Қурбонова *– шу кафедра катта ўқитувчиси.*

ана шу жараённи сифатли ташкил этишга маъсулдирлар. Бу жараёндан самарали фойдаланиш, ўз шахсини ривожлантириш даражасига эса масъуллилик табиат қонуниятларига кўра ўқувчининг ўзидир. Шунинг учун инсонпарварлик ва демократик педагогикада бутун таълим-тарбия жараёнларининг марказида бола шахси, унинг қизиқиши, манфаатлари туриши керак, деб бежиз айтилмаган. Иккинчидан, шахсни таълим-тарбия жараёнида, тарбия идеалидан келиб чиқиб ривожлантириш, яъни уни туғилгандан то вояга етгунича ва ундан кейин "катталар" тарбиясида ҳам **"таълим-тарбияда узлуксизлик"** қоидасига амал қилишга асосланади. Бунда ривожланган мамлакатлар педагогикасидаги ёш даврларига риоя қилиш, индивидуал педагогик-психологик хусусиятларни ҳисобга олиш, биогенетик имкониятларни педагогик жиҳатдан диагностика қилиш, бир мақсадни мўлжаллаган ҳолда ҳар хил ёндашув қоидаларига ҳам риоя қилинишини таъкидлашни ўринли, деб ҳисоблаймиз.

Масалага бундай ёндашув педагогика тарихидан маълум. Буюк файласуф ва тарбиячилар Суқрот, Платонлар бола тарбиясида табиатдан намуна олишга даъват этганлар. Буюк чех педагоги Я.А.Коменский таълимидаги **узлуксизликни** назарда тутиб, табиатдаги ривожланиш пухталигига, ичкаридан ташқарига қараб боришга, қайтарилмаслигига, мустаҳкамлигига, бола имкониятини ҳисобга олишга эътиборимизни тортади. **Таълимда узлуксизлик деганда, боланинг табиий жараёнларга мослашишини эмас, аксинча мазкур жараёнларнинг индивидга таъсир этишидан фойдаланиб, таълим олувчи имкониятларини максимал ўстиришни назарда тутади.**

Замонавий инсонпарварлик, демократик педагогик фикрларни ўрганиш, таҳлил қилиш, мактабларимиздаги илғор тажрибаларни тасниф этиш, таълим-тарбия жараёнини **узлуксизлик қоидаси**га риоя қилган ҳолда самарали ташкил этишда педагогик позиция, педагогик мулоқот тушунчаларининг муҳим ўрни борлигини кўрсатади.

Аниқловчи тажрибаларимиз натижалари шуни кўрсатдики, педагогик позициянинг ўзгариши, педагогик мулоқотнинг шахслараро муносабатларнинг йўналишидаги ўзгаришларга олиб келади. Тажрибаларимиз натижасига асосланган ҳолда, шакллантирувчи тажрибаларимиз учун маълум назарий умумлашма ва услубий-технологик тавсиялар ишлаб чиқилди. Бу жараёнда "умумийлик ва хусусийлик" ўртасидаги педагогик қарама-қаршиликка учрадик. Ривожланган мамлакатлар таълим-тарбия жараёнида субъект фаоллигига катта эътибор бериб, одатда, миллий қадриятларнинг етакчилик ўрнига аҳамият беравермайдилар. Натижада миллий маънавият, миллий ғоя, ғурур ва ватанпарварлик тушунчалари, ҳис-туйғулари диққат марказдан четда қолади. Бозор ижтимоий-иқтисодий муносабатлари талабини рўкач қилиб, молиявий муваффақиятларни кўзлаб, субъект фаоллигини ривожлантиришга қаратилган таълим-тарбия балким шахсни моддий ғалабаларга олиб келар. Аммо миллий ғурур, маънавиятга, ўз ватанини севишга эмас. Фикримизча, миллий ғурур, маънавиятсиз "субъект фаоллигини ошириш" охир-оқибатда "оммавий маданиятга" олиб келади. Бизга эса бу керак эмас.

Ўзбекистон Республикасининг буюк келажагини яратувчи баркамол авлод, шубҳасиз, субъектив фаолликка эга шахс сифатида намоён бўлиши керак. Айни вақтда, яратувчилик, ўз халқи, миллати ва юрт меҳнаткашларига яхшиликни ният қилувчи, бу йўлда фаол ҳаракат қилувчи, миллий ва умуминсоний қадриятлар нисбатини оқилона мувозанатда сақловчи ёшларни тарбиялашда педагогик позиция, мулоқот, шахслараро муносабат ва бунда **узлуксиз таълим**нинг муносиб моделини шакллантириш зарур. Назаримизда, бу вазифани педагогик позиция, педагогик мулоқотни миллийлик руҳида тушунмай туриб амалга ошириб бўлмайди.

Марказий Осиё халқлари жаҳон миқёсидаги етук фан ва маданият намоёндаларини етказиб берган. Алишер Навоий, Ибн Сино, Фаробий, Беруний ва бошқа мутафаккирларни жаҳон тан олади. Гарчи ислом дини тарқалишига араб миллати вакиллари асос солган бўлсалар-да, ҳадис илмини яратиш, тарғиб этиш, фалсафий асосларини талқин этишда Марказий Осиё алломаларининг сайъи-ҳаракатлари бутун оламга маълум.

Бизнинг айтмоқчи бўлганимиз бу буюк сиймолар қайсидир илм даргоҳида таҳсил кўрганлар ва уларни устозлари қандайдир педагогик позициядан туриб тарбия қилганлар. Кейинчалик уларнинг ўзлари ҳам устоз бўлиб, кимларнидир тарбия қилганлар ва буни маълум позициядан туриб амалга оширганлар. Демак, позиция, педагогик мулоқот феномени биз учун янгилик эмас. Тарихимизни ўрганиб, ундаги ютуқлардан бугунги кунда фойдалансак бўладими? Фикримизча, тарихимизни тўғри талқин қилишимиз, ривожланган мамлакатларнинг тажрибаларини танқидий ўрганишимиз педагогик позиция, педагогик мулоқот, узлуксиз таълим масаласида миллий ёндашувимизни яратишимизга имкон беради.

Демократик ва инсонпарварлик педагогикаси асослари – синергетика фалсафаси бўлиб, у бир томондан, таълим-тарбиянинг стратегик масалаларини ҳал этиш, умумий йўналишни кўрсатиб бериш

бўлса, иккинчи томондан, таълим-тарбиявий мақсадларни, айни мавжуд замон ва маконда, реал ҳал этиш йўл-йўриқларини, яъни хусусий масалаларнинг муваффақиятли ечимини таъминлайди.

Синергетика фалсафасида “субъект-субъект” шахслараро муносабатларидаги ҳар иккала субъектнинг ҳаётий позициясига бир-бирини тўғри тушуниш учун бирламчи сабаб сифатида қаралади. Субъектнинг эмоционал-ҳиссий, иродавий, ақлий жараёнлари унинг ҳаётий позицияси орқалигина намоён бўлади. Шахслараро муносабат, мулоқотларни сифатий, ижобий йўналишда ўзгартириш учун характерни, иродани, ақлий, операцияларни эмас, балки ҳаётий позицияни, ижтимоий-шахсий ориентацияни ўзгартириш керак. “Субъект-субъект” шахслараро муносабатларида ҳар иккала томон бир хил ҳаётий позицияда туриши аҳамиятга эгадир, аксинча бўлса, уларнинг фикри бир жойдан чиқмайди, бир-бирларини тушунишлари, қабул этишлари учун бир хил ҳаётий позицияда туришлари лозим. Ҳеч бўлмаса, психологик маънода бири иккинчисининг ҳаётий позициясини мажбуран бўлса ҳам қабул қилиши, яъни уни тушунишга ҳаракат қилмоғи зарур.

Ана шу маънода ўқитувчининг, тарбиячининг ҳар бир ижтимоий-иқтисодий тизимдаги педагогик позицияси таълим-тарбиянинг йўналиши, педагогик мулоқотларнинг характерини белгилаб беради, яхлит педагогик жараённинг мақсад, вазифа, натижаларини, истиқболли моделини аниқлаб олишга имконият яратади, шунингдек, давлатнинг ёшлар тарбиясидаги сиёсатининг мезони бўлиб ҳисобланади. “Педагогик позиция”, “педагогик мулоқот” ана шундай методологик характерга эга бўлиб, таълим-тарбия жараёнларида ўқувчиларга, уларнинг келажак истиқболларига, шаклланишига “объект”, субъект” сифатидаги муносабатларда намоён бўлади. Мавжуд жамият моҳияти, мазмуни, вазифаларини ўзида педагогик жиҳатдан жамлайди ва бола шахсини тушуниш, тарбиявий ниятларда, ишончларда, таълим-тарбиявий фаолиятни уюштириш йўналишларида, характерли хусусиятларида намоён бўлади.

Марказий Осиё халқлари педагогик қарашларида, жумладан, ўзбек халқ педагогикасида анъанавий равишда болага муносабатда педагогик позиция ғарб мамлакатларидан кескин фарқ қилиб (уларда болаларни зўрлик билан итоат эттириш анъанавий бўлган), болани яратганнинг иноятн, ишончи, муруввати, деб қабул қилинган. “Бола подшо”, “бешикдаги болани, бек бўлишини ким билур” қабилида чақалоқлар улуғланган. Ўзбек халқ педагогикасида бола Яратгувчи томонидан берилган, Яратгувчингни қандай севсанг, меҳр-муҳаббатли бўлсанг, ҳурмат қилиб, эъзозласанг, яхши кўрсанг, болага ҳам шундай бўл, деган инсонпарварлик ғоялари илгари сурилади. Аждодларимиз қадимданоқ бундай педагогик қарашларга амал қилиб қуйидагича ёндашиб келганлар: болани бор ҳолича, ютуқ-камчиликлари билан қабул қилиш; уларнинг хатти-ҳаракатларидаги, гап-сўзларидаги хатоларга кечиримли бўлиш; истиқболларига умид билан қараш; “сиз”лаб муносабатда бўлиш орқали улар билан катталардай муомала қилинган ва ҳ.к. Ана шундай педагогик таснифга асосланиб айтишимиз мумкинки, ҳозирда ғарбда тарғиб қилинаётган маълум педагогик позиция, педагогик мулоқотнинг таркибий қисмлари биз учун янгилик эмас. Авлодларимиз томонидан улар аллақачон ишлаб чиқилиб, қўлланилган ва яхши натижалар олинган. Уларни тиклашимиз, давр талабига мослашимиз керак, холос.

Халқимиз тарихида узлуксиз таълим мавзусига ҳам жиддий эътибор берилган, яъни “Қабргача илм ўрган”, “Илмни Чингача (Хитой) бориб ўрган”, “Билмаганни сўраб ўрган…”, дейилгани, шунингдек, муқаддас Китобимизда илм олишнинг ибодат билан тенглангани бежиз эмас. Айни вақтда, устозни улуғлаш, шогирдларга меҳрибон бўлиш талабидан аждодларимиз қандай педагогик позицияда иш тутгани, педагогик муомалани қандай амалга оширганликларини кўриш мумкин.

Марказий Осиё халқларининг анъаналарига кўра, октябрь инқилобига қадар бўлган ўқитувчиларни “мударрис”, “муаллим”, “домла”, “устоз” иборалари билан улуғланган. “Мударрис” кўпроқ мадрасаларда, “домла” бошланғич диний мактабларда, “муаллим” усули жадид мактабларида (кейинчалик жумҳуруят бошланғич мактабларида ҳам), “устоз” етук мадраса мударрисларига (касб-ҳунар ўргатувчи усталарга ҳам) нисбатан ишлатилган ва айни вақтда бу ибора билан мурожаат қилинишига сазовор бўлган ўқимишлиларга “зиёли”, яъни нур, билим таратувчи субъектлар, деб қаралган. Бу иборалар ҳар хил бўлишига қарамай, умумийлик томонлари бор: билим бериш, ўргатувчилик; тушунтира олиш; касб эгасини тайёрлаш; ҳунар ўргатиш.

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”-ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” баркамол авлодни тарбиялаш вазифасини ўқув юртлари олдига долзарб масала қилиб қўйди ва мазкур шахснинг асосий белгилари деб мустақил, ижодий, танқидий фикрлаш, қарор қабул қила олиш, уни бажаришга қодирлик, рақобатга бардошлилик сифатларини кўрсатди ҳамда уларни шакллантиришда педагогик позиция, педагогик мулоқот стилларини ўзлаштириш зарурлигини белгилаб берди.

Бошланғич мактаб ёшидан ўсмирлик ёшига ўтиш даври мураккаб жараён. Бу мураккаблик аввало ўқувчиларнинг физиологик, руҳий ўзгаришларига боғлиқ бўлади. Кечаги итоаткор бошланғич синф ўқувчиси бугун энди қўпол, қайсар, интизомсиз субъектга айланиб қолиши мумкин. Бундай педагогик вазиятда кўриладиган зарур педагогик-услубий чора-тадбирлардан бири – педагогик талабнинг бир хилда ҳамма ўқитувчилар томонидан бажарилишидир. Педагогик талабда ҳам ўз навбатида изчиллик даркор.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар билан таълим-тарбия ишлари олиб борилганда, педагогик позициянинг болани бор ҳолича қабул қилиш, кечиримли бўлиш, келажагига ишонч, яхшиликни ният қилиш каби таркибий қисмлари педагогик фаолиятда қўлланади. 4-синфдан бошлаб таълим-тарбия жараёнларини уюштиришда педагогик талаб, назорат, айни вақтда ўқувчи имконияти ва кучига ишонч, дўстона муносабат аста-секинлик билан устуворлашиб бориши зарур. Шунингдек, сўзда ва фаолиятда ҳам ўтиш ёшидаги ўқувчиларга узлуксиз билим олиш, билимлар манбаини қидириш, ўзларига маъқулини топиш учун масъуллик уларнинг зиммасида эканлигини сингдириб бориш лозим. Токи қилаётган ҳар бир ишини, хатти-ҳаракатини қайта кўриб, таҳлил қилишни бошлаган ўсмир келгуси ҳаётида муваффақиятларга эришиши ўзига – билимларини тинимсиз бойитиб бориши ва улардан амалда фойдалана олишига боғлиқлигини англаб етсин. Шундай қилиб, тўғри танланган педагогик позиция, педагогик мулоқот стили узлуксиз таълим жараёнини самарали ташкил этишни таъминлабгина қолмай, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг юқори синфларга руҳий қийинчиликларсиз ўтишига имкон беради.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
2. Давлетшин М.Г. Умумий психология. –Т.: ТошДПУ, 2002.
3. Султанова Г.А. Педагогик маҳорат / Ўқув-методик қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2005.
4. Ғозиев Е. Муомала психологияси. -Т., 2001.
5. Холиқов А.А. Педагогик маҳорат / Ўқув қўлланма. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2009.
6. www.ziyonet.uz.

2014 йил 21 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. Ш.Қўчқоров)